

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланишга тарғиб қилиш ҳақида / 1265-ҳадис

1265 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَفْضَلُ الصِّيَامِ بَعْدَ رَمَضَانَ شَهْرُ اللَّهِ الْمُحَرَّمُ، وَأَفْضَلُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَرِيضَةِ صَلَاةُ اللَّيْلِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1163].

1265. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг оyi муҳаррамдaдир. Фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинaдиган фойдалар:

1. Рамазон рўзасидан кейинги энг афзал рўза муҳаррам оyi рўзаси экани.
2. Муҳаррам оyi Шаҳруллоҳ – Аллоҳнинг оyi, деб номланиши.
3. Фарз намозидан кейинги энг афзал намоз кечасидаги намоз экани.
4. Муҳаррам оyiда кўпроқ рўза тутишга ҳаракат қилмоғимиз лозимлиги.
5. Кечаси таҳажжуд намозлари ўқишга одатланишимиз кераклиги.

Манба: hadis.islom.uz



